БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Ҳукуматга ишончсизлик билдириш масаласини муҳокама қилишга бағишланган Россия давлат думасининг 22 октябрга мўлжалланган мажлиси кун тартибидан олиб ташланди. Бу ҳақда федерация кенгаши раиси Егорь Строев журналистларга ахборот берди.*

* * *

☑ *Чеченистондаги Олий шариат суди одамларни ўғрилаб кетиш юзасидан дастлабки ажримни чиқарди, дея хабар беради «Интернет». Учта жиноятчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Яқин келажакда ана шундай ишлардан яна бир қанчаси кўриб чиқилади.*

* * *

☑ *Бундан уч ой аввал Ингушетияда германиялик ишбилармон Клаус Шмук ўғрилаб кетилган эди. Жиноятчилар уни қайтариб бериш учун 3 миллион доллар талаб қилишмоқда.*

* * *

☑ *Кеча Таиланднинг Утапао шаҳрида авиация, денгиз ва қуруқликдаги техникаларнинг «Таи-97» халқаро кўргазмаси очилди. Унда 50 дан ортиқ мамлакатдан ўнлаб компания ва фирмалар иштирок этаяпти. Кўргазма 26 октябрга-ча давом эттирилади.*

* * *

☑ *Бразилиянинг Сан-Жозе-дус-Кампус шаҳрида ернинг дастлабки сунъий йўлдоши учирилганлигининг 40 йиллигига бағишланган илмий семинар очилди. Ушбу семинарда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган мутахассислар иштирок этишмоқда.*

* * *

☑ *«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра, Бирлашган Тожикистон мухолифати вакилларидан 84 киши ҳибсдан бўшатилди. Бу ҳақда журналистларга миллий келишув бўйича комиссиянинг ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи кичик комиссияси раиси Ҳабиб Сангинов хабар берган. Шунингдек, Сангиновнинг айтишига кўра, кейинги икки ой ичида ҳукумат қўшинлари аъзоларидан 200 дан зиёд ҳарбий асир ҳам озод этилган.*

* * *

☑ *Тожикистондаги ҳарбий ва фуқаролик қарама-қаршилиги аъзоларида 78 киши Душанбедаги 7-колониядан озод этилди, дейилади «Интернет» маълумотларида. Улардан 58 киши бирлашган Тожикистон мухолифати тарафдорлари, 20 киши эса ҳукумат тарафдорларидир. Миллий келишув бўйича комиссия раиси Саид Абдулло Нурий ушбу инсонпарварлик ҳаракатини ижобий баҳолади.*

* * *

☑ *АҚШнинг Федерал денгиз комиссияси Япония савдо кемаларини мамлакат портларига киритмаслик ҳақида қарор қабул қилди.*

Тошкентда метеорологик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш, атмосфера ҳодисаларини ўрганиш учун приборсозликнинг янги йўналишларини кўриб чиқишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Конференцияда бу соҳада катта тажриба орттирган ўзбекистонлик мутахассислардан ташқари туркманистонлик ва россиялик метеоролог ва приборсозлар ҳам иштирок этишди.

***

Ўзтелерадио компанияси қошидаги мақомчилар ансамблининг хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоева Франциянинг Бордо шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий дунё халқлари миллий мусиқа фестивалида иштирок этди ва ушбу фестиваль ғолиби сифатида Европанинг тўрт мамлакати бўйлаб ижодий сафарда бўлди.

***

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) Бош ассамблеясининг йиғилиши ўтмоқда. 140 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этаётган мазкур анжуманда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

ВАТАН ХАРИТАСИ

***

Фарғонада халқаро сателлит «Буюк ипак йўли» турнири якунланди. Вилоят марказидаги «Истиқлол» теннис мажмуасида ўтган кескин кураш натижасида ҳамюртимиз В.Куценко Е. Михаев билан финалга чиқди. Финал ўйинда ҳамюртимиз зўр маҳорат билан ўйнаб, рақибидан ҳар жиҳатдан устунлигини кўрсатди. Беллашув натижасида В.Куценко халқаро сателлит «Буюк ипак йўли» турнири ғолиби бўлди.

***

Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб шариф шаҳар марказидаги бош ўйингоҳда ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, самбо бўйича жаҳон чемпионатининг олтин, кумуш, бронза медали соҳиблари, Осиё чемпионлари, АҚШ очиқ биринчилиги совриндорлари ғиламга чиқдилар.

Турнирда мутлақ ғолибликни бухоролик машҳур полвон Ботир Хўжаев эгаллади. У сурхондарёлик курашчи Тоштемир Хўжаевни енгиб, бош соврин — «Нексия» автомобилини қўлга киритди!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 23 октябрь, пайшанба № 124 (22.208).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЮРАК БУТУН БЎЛСИН ЭКАН

Наманган вилоятидан ҳашарга келиб, Мирзачўл туманининг «Ўзбекистон» ижара ширкатлари бирлашмаси далаларида пахта тераётган Маъруфжон Юсуповнинг таъриф-тавсифини туман ҳокимлигида ҳам, ҳашарчилар штабида ҳам батафсил айтишган эди. Уларнинг айтишларича, Маъруфжон тўрт йилдирки, Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» жамоа хўжалигида оилавий ижарачи пудратчи бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Шакархон, қизлари Ширинхон ва Асалойлар билан биргаликда 10 гектар ер олишган. Шундан 7 гектарида пахта етиштиришади, қолган 3 гектари боғ.

Оилавий ижарачилар бу йил ҳар гектар пахтазорларидан 38 центнердан хирмон уйиб, боғларидан 15 тоннадан зиёд олма йиғиб-териб олишибди. Худди ўша кунлари Жиззах вилоятига пахта ҳашарига айтишган экан, Маъруфжон ўз хоҳиши билан сафар халтасини йиғибди-да, машинага чиқаверибди. Мана, қарийб бир ойдирки, Наманганлан ҳашарга келган 5,5 минг киши орасида ҳозиргача бир кун ҳам, бирор киши ҳам унинг олдига тушолмапти. У ҳар куни 240-250 килодан пахта тераркан. Ҳатто, 258 кило терган куни ҳам бўлибди.

Маъруфжон билан пахтазорда учрашдим. «Ҳорманг», «Бор бўлинг» каби ўзбекона такаллуфлардан сўнг сўрадим:

— Чарчамаяпсизми?

— Тонналарим ошган сайин кучимга куч қўшилаётгандай сезяпман ўзимни.

— Неча тонна бўлди?

— Олган пулим 18 минг сўмга яқинлашди. Шунга қараганда, 7 тоннага яқинлаб қолдиёв...

Маъруфжон букиб ўтирган ўнг оёғини узатган эди, унинг тўпиқдан пасти протез эканига кўзим тушди. Шошиб қолдим. Негадир бу ҳақда на туман ҳокимлигида, на наманганликлар штабида ҳеч нарса айтишмаган эди. «Ҳаммадан кўп тераяпти, ёзсангиз, шу одам ҳақида ёзинг», дейишганди, холос.

Ўзбек феъли

— Ахир, сиз ҳашарга келишингиз шарт эмасдику?! — дедим оёғига ишора қилиб.

Гапнинг рости, суҳбатимиз йўналишини ҳам йўқотиб қўйгандим.

— Парво қилманг, ака! Мени ҳеч ким ҳашарга юр дегани йўқ. Ўзим ўз хоҳишим билан келганман. Ўйлаб кўринг, мен ўз даламиздаги ишларни бажариб, қолган-қутганларини турмуш ўртоғимга тайинлаганман. Вилоятимиз 70 фоиздан ошди, ишчи кучи етарли. Нега мен Жиззахга ёрдам бермаслигим керак? Баъзиларга ўхшаб сиз ҳам мени пулга ўч экан,дея ўйламанг. Тўғри, пул ҳаммага ҳам керак, лекин пахта ишқи қон-қонимга сингиб кетган. Марҳум отам Турсунбой Юсупов ҳам уста деҳқон, моҳир пахтакор, ташкилотчи бригадир бўлган.

Маъруфжон бироз ўйланиб турди-да, қўшимча қилди:

— Тўрт минг сўм пенсия оламан. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан даламизда ишлаб топаётганларимиз етиб-ортади. Дунёда эл манфаати деган тушунча ҳам бор, ахир. Оёғимга қарайверманг. Уни 1978 йили ҳарбий хизматдалигимда темир йўл созлай туриб, бериб келганман. Юрак бутун бўлса, ҳеч нарса писанд эмас экан.

Бошқа гапга ўрин қолмаганди. Маъруфжон ўз ҳаёт шиорини айтган эди. Мен эса юртнинг шундай фидойи, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи фарзанди билан танишиб, суҳбатлашиб турганимдан мамнун эдим.

Маъруфжонга унинг ясама оёғи ҳақида ҳеч ким айтмаганини билдирдим. «Ёнма-ён ишлаётганларимдан баъзилари ҳали ҳам билишмайди, — деди у. — Одамларга ҳаётдан нолийверсангизгина билишади, мен эса ҳамиша мағрур юришни, меҳнатни севаман».

Офарин, иродангга балли, Маъруфжон! Ҳимматингга минг тасанно!

Маъруфжон билан хайрлашиб, қайтарканман, наманганлик ҳашарчилар Жиззах вилояти хирмонига ҳозиргача 5 минг тоннадан зиёд пахта тўккнини, шундан 7 тоннаси ана шу қалбан мағрур инсонники эканини ўйлаб, унга яна бир бор сиҳатсаломатлик тиладим.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Обуна — 97»

ЎЗ «ОВОЗИ»МИЗНИ СЕВАМИЗ

Қарши нефть ишлаб чиқариш бошқармаси жамоасининг мамлакатимиз нефть саноатига қўшаётган ҳиссаси катта. Жумладан, тўққиз ойда нефть қазиб чиқариш 100,1 фоизга, газ қазиб чиқариш 107,7 фоизга бажарилди.

— Жорий йилда биргина «Ўзбекистон овози»га 60 киши обуна бўллик, — дейди бошқарма бошлиғи Ислом Очилов. — «Ўзбекистон овози»га меҳримиз бўлакча.

Илҳом КАРОМОВ.

ЧОРЛОВ

Тажрибали раҳбар Жалолиддин Қосимов етакчилик қилаётган Денов нефть маҳсулотлари корхонаси аъзоларидан 25 киши — ҳар икки аъзодан бири, шу тумандаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Комил Сапиев бошчилигидаги автокорхона ходимларидан эса 30 нафари **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА** обуна бўлди.

(Ўз мухбиримиз).

ПРЕЗИДЕНТ КИШИНЁВГА ЖЎНАБ КЕТДИ

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Молдова пойтахти Кишинёвга жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью бериб, жумладан бундай деди:

— Сўнгги вақтларда МДҲ мамлакатлари ўртасида интеграциянинг ривожланмаётгани, имзоланган ҳужжатларнинг аксар қисми ҳаётга татбиқ қилинмаётгани ҳақида кўп гаплар айтиляпти. Менимча, бу муаммоларнинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат. Аввало, МДҲ мамлакатларида эски тузумни қўмсаётган, одамларни чалғитиб, ўзига оғдириб олишни ва шу йўл билан ҳокимиятга эришишни ўйлаб юрган сиёсатчилар борлигини таъкидлаш жоиз. Иккинчидан, собиқ Иттифоқ ҳудудида янги ташкилотлар — конфедерация, ҳарбий блок каби уюшмалар тузиш ва шу орқали иттифоқни қайта тиклаш умидида юрган сиёсий гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг бу борада аниқ нуқтаи назари бор ва биз ҳеч қачон ундан қайтмаймиз. Ўзбекистон ҳеч қандай конфедерация ёки бу каби ташкилотларга қўшилмайди. Ўзи танлаган мустақиллик йўлидан бораверади. Биз фақатгина тенглик асосидаги шериклик ва ҳамкорлик тарафдоримиз.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

ИСЛОМ КАРИМОВ МОЛДОВАГА КЕЛДИ

Кишинёв, 22 октябрь, ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Молдова пойтахтига келди.

Кишинёв аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Молдова Президенти Пётр Лучинский ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

ОЛИМЛАР УЧРАШУВИ

Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун қушни Қирғиз диёридан юртимизга келган делегация аъзолари — Қирғизистон Республикаси Фанлар миллий академияси президенти Турор Қойчуев, мазкур академия вице-президенти Михаил Плоских ва Тарих институти директори Жениш Жунушалиевлар кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига ташриф буюриб, унинг етакчи олимлари билан учрашдилар.

Қардошларимиз Қирғизистон Фанлар академияси, унинг гуманитар институтлари фаолияти тўғрисида ахборот бердилар. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Абдулҳафиз Жалолов мамлакатимизда фалсафа ва ҳуқуқ фанларини ривожлантиришга берилаётган эътибор, мазкур илмий маскан фаолияти самарадорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда унинг ижодий ходимларининг илмий изланишлари ҳақида гапирди. Суҳбат жараёнида икки қардош мамлакат олимлари ўзаро илмий алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

С. ШЕРАЛИЕВ.

ҚЎНҒИРОТ МАРРАНИ ЗАБТ ЭТДИ

Қўнғирот тумани пахтакорлари ҳар гектар майдондан 20 центнер ҳосил кўтариб, давлатга 6400 тоннадан зиёд пахта топширдилар. Режа ошириб адо этилди. Топширилган пахталар юқори сортларга қабул қилиб олинди.

Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси 1650 гектар майдондан 3260 тоннадан кўпроқ пахта топшириб туманда карвонбоши бўлди. «Қўнғирот» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси пахтакорлари 3272 тоннадан зиёд пахтаси билан ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Р.Қўшназаров, М.Авезов, Қ.Эшмуротов, У.Ёқубов, Ў.Умаров, Қ.Жуманиёзов бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш режалари 140-160 фоиздан ошириб бажарилди.

Туман пахтакорлари, механизаторлари яна 1600 тонна пахта териб, ялпи ҳосилни 8 минг тоннага етказиш устида меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликларда пахта йиғим-терими ишлари кузги-қишки тайёргарлик ишлари билан боғлаб олиб борилмоқда.

Р.ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧОРТОҚЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Наманган вилоятида яна бир туман маррага етди. Чортоқ тумани меҳнат аҳли пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди. 613 гектар майдонга плёнка остига экилган пахта ҳосилдорлиги, айниқса, юқори бўлди. А. Навоий номли жамоа хўжалигидан О. Йўлдошев, «Ойқирон» жамоа хўжалигидан М. Қорабоев бошлиқ бригадалар янги технология туфайли теримни 15-20 кунда саранжомлаб ҳосилдорликни 47 центнергача етказдилар.

Туманда 8450 тонна пахтадан ташқари 10495 тонна дон, 8 минг тонна узум ва она-заминда битадиган 60 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Туман меҳнаткашлари пахта теримини қизғин давом эттирмоқдалар. Бир ёқда кузги-қишки ишлар, ғалла парвариши авжида.

М. ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози»мухбири.

ҚЎЛ ЕТМАС ДОВОН ЙЎҚ

Ғалладан катта ҳосил олган деҳқон билингки, пахтани ҳам қойил қилади.

Сариосиё туманида шундай бўлди. Туманда бу йил гектаридан қарийб 40 центнердан дон хирмони кўтарилди. Бу вилоятда энг баланд кўрсаткичдир.

Сариосиёликлар пахта тайёрлаш йиллик шартномасини ҳам вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга улар 17 минг тоннага яқин хом ашё топширишди.

— Ўнлаб ижарачиларимиз гектаридан 50-центнердан ҳосил олганини кўриб турибмиз. Туманимиз бўйича бу кўрсаткич эса, ҳозирча 33 центнер. Ҳамма баравар ишласа, ҳамма яхши ишласа, 50 центнерлик марра кўл етмас довон эмаслиги хусусида ўйлаб кўряпмиз, — дейди туман ҳокими Қосимжон Холдоров.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФАРБАРЛИККА ТЎҒАНОҚ

Фарғона вилояти пахта далаларида ҳосил йиғим-терими давом этяпти. Қуёш чарақлаб турган шу очиқ, ёруғ кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билган теримчилар, ҳашарчилар, пахтани нест-нобуд қилмай сифатли териб олиш учун бор куч-ғайратларини аямаяптилар. Бешариқ тумани пахтакорлари аллақачон ғалаба маррасидан ўтиб кетдилар. Бугун-эрта олтиариқликлар ҳам зафар қучадилар. Бироқ мана шундай долзарб кунларда Бағдод ва Данғара туманларида теримчиларнинг кунлик иш унуми 10-15 килодан ошмаяпти. Тошлоқ, Риштон, Ўзбекистон, Охунбобоев, Бувайда туманларида эса теримчилар сони режадагидан анча кам. Ўтган ҳафта Данғара туманида бўлиб ўтган йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика бош прокурори Б. Мустафоевлар пахта йиғим-терими боришидаги камчиликларга эътибор қаратдилар. Ишчи кучи пахта теримига тўлиқ сафарбар этилмаган. Иш унуми паст. Пахта далаларида ҳосилни нобудгарчиликсиз териб олиш устидан яхши назорат ўрнатилмаган. Ҳатто жойларда экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари, кузатув постлари фаолиятсиз, номигагина холос. Ҳали чаноқларда пахта мўл бўлган пайкалларга мол-қўй ҳайдаб юбориш ҳоллари содир бўляпти. Риштон туманидаги «Риштон» жамоа хўжалиги далаларида беш бош қорамол ва етти бош қўй экин майдонини пайҳон қилиб юргани аниқланди. Тошлоқ туманидаги Х. Марозиқов номли жамоа хўжалигининг 10-бригадасида чаман очилган пахтазорни моллар пайҳон қилиб юрибди.

Пахтани ҳом-ифлос териш каби салбий ҳолатларга ҳам барҳам берилмаган. Масалан, Данғара туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси 4-бригадаси бошлиғи М. Рўзиқулов теримчилар иш фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаган. Натижада пахта сифатсиз терилган. Чаноқларда қолиб кетган. Ерга тўкилиб нобуд бўлган. Бунинг оқибатида хўжалик 2387 сўм моддий зарар кўрган.

Тошлоқдаги Б. Шерматов номли жамоа хўжалигида сифатсиз терилган пахта транспортга юкланиб, пахта қабул қилиш пунктига юборилган. Бу ерда эса пахта давлат андозаларига тўғри келмаганлиги учун қайтарилган. Натижада хўжалик 2716 сўм моддий зарар кўрган.

Теримчиларга унумли ишлашлари учун маданий-маиший шароитлар яратишга ҳам совуққонлик билан қараляпти. Чунончи, Риштон туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа хўжалиги бошқаруви мутасаддилари теримчиларни моддий рағбатлантириб бориш, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш, кўчма дўконлар ташкил этиш масаласига мутлақо эътибор бермаганлар. Бу эса ўз навбатида терим суръатини оширишга тўғаноқ бўлаётгани шубҳасиз.

Фарғона вилояти прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишлар давомида пахта нобудгарчилиги, унинг ўғирланиши, пахта экиш учун ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш каби салбий ҳолатлар ҳам очилди. Бувайда туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи А. Ҳасанов ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, пахта экишга ажратилган экин майдонидан 2 гектаридан ортиғини баъзи шахсларга мўмай пул эвазига бошқа экинлар экиш учун бериб юборган. Учқўприк туманидаги Отажонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А. Содиқовнинг хурмача қилиғи эса бундан ҳам ошиб тушган. Бу бригада бошлиғи пахта экилиши лозим бўлган майдонларнинг 11,5 гектарига шоли эктириб юборган. Буни қарангки, А. Содиқов бригада пахта режасини сунъий равишда бажариш мақсадида шоли экилган ер майдонларини баъзи олгир фуқароларга сотиб, Учқўприк тумани пахта қабул қилиш пункти тарозибони В. Эгамбердиев билан жиноий тил бириктирган. Унга бир тонна шоли бериб, эвазига 5 тонна пахтани тайёрлов пунктига топширди, дея қалбаки ҳужжат қилдирган ва давлат пахта топшириш режасига қўшиб ёзган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Пахта терими далаларида учраётган бундай камчиликлар терим суръатига сўзсиз салбий таъсир қилади. Фарғоналиклар мавжуд нуқсонларни бартараф этиб, эл-юртимиз олдида юзларини ёруғ қилиш учун барча имконият, тажриба ва маҳоратларини ишга соладилар, деб ўйлаймиз.

Ғайрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Партия ахбороти

НОМЛАРИ «ЭҲТИРОМ КИТОБИ»ГА ЁЗИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун арафасида, ушбу санага бағишлаб, турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ташкилотларимизнинг ишларини сарҳисоб қилиб, уларнинг навбатдаги долзарб вазифаларини белгилаш, партиянинг энг жонкуяр, ташаббускор аъзоларини тақдирлаш яхши анъанага айланиб қолди. Яқинда ХДП МК Котибиятининг қарори билан мамлакатимиз йўлбошчиси И. А. Каримов раҳбарлигидаги республикамиз ҳукуматининг ислоҳотлар сиёсати, Ўзбекистон ХДП Дастури ғоялари, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини кенг тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш, унинг обрў-эътиборини оширишга шахсан катта ҳисса қўшаётганлиги учун, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари тавсиясига мувофиқ, қуйидагиларнинг номи Марказий Кенгаш «Эҳтиром китоби»га киритилди:

Ваҳобов Ҳасан Мамадалиевич — Бекобод туманидаги «Бекобод» жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби, Тошкент вилояти.

Жилкин Пётр Прокофьевич — «Вопросы жизни» («Турмуш масалалари») кўп тиражли газетасининг бош муҳаррири, вилоят электр тармоқлари бошқармаси бошланғич партия ташкилоти котиби, Сирдарё вилояти.

Жумаев Гаффор — Қизириқ туманидаги «Гиламбоб» деҳқон-фермерлар уюшмаси раисининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилотининг котиби, Сурхондарё вилояти.

Жумаев Сано — нафақахўр, Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгашининг жамоатчилик асосидаги котиби, Бухоро вилояти.

Ибадуллаев Алписбай Худайбергенович — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири, «Қарақалпақстан ҳаўази» газетаси бош муҳаррири.

Мавлонов Шомурод Мавлонович — Ўзбекистон ХДП Зафаробод тумани кенгаши биринчи котиби, Жиззах вилояти.

Мелиев Абдулла Мелиевич — Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг раиси, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси, Самарқанд вилояти.

Раззоқов Маҳаммаджон — Шаҳрихон тумани ҳокими, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Андижон вилояти.

Расулов Маҳмуджон Мўминович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг етакчи консультанти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг аъзоси.

Раҳимов Жуманазар — Қўшкўпир тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби, Хоразм вилояти.

Райимжонов Каримжон — Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси, вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси, Наманган вилояти.

Саранцев Александр Степанович — «Файз» ҳиссадорлик жамияти кадрлар ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармасининг бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти котиби, Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши ижроия бюросининг аъзоси, Тошкент шаҳри.

Темуров Шукур-Салим — республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси, ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси раиси ўринбосари.

Эрназаров Бахтиёр Муродович — Ўзбекистон ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши биринчи котиби, Навоий вилояти.

Усмонов Соиб — Ўзбекистон Республикаси фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, Республика Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси, Қашқадарё вилояти.

Ҳасанов Азиз — Ҳамза шаҳри ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши ижроия бюросининг аъзоси, Фарғона вилояти

«Эҳтиром китоби»га номи киритилганлиги учун гувоҳномалар тантанали равишда топширилади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ДАВРА СУҲБАТИ

21 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Ўзбекистон ХДП ва инсон манфаатлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, Чилонзор тумани кенгашининг биринчи котиби Ё. Шодмонов, Чирчиқдаги «Ғунча» Акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг котиби Л. Шарипова, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-поликлиника шифокори Л. Зиётдинова, ХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Регистон» газетасининг муҳаррири Г. Алибоева ва Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Н. Нагметовлар сўзга чиқдилар.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда уларга қарашли туманлар кенгашларининг масъул ходимлари, жамиятшунос олимлар, партия марказий нашрлари журналистлари ва бошқалар иштирок этдилар.

(Давра суҳбати тўғрисидаги ҳисобот газетамизнинг келгуси сонларидан бирида берилади).

АНДИЖОН ЁРДАМГА КЕЛДИ

ЖИЗЗАХ.Маълумки, вилоят республиканинг ишчи кучи қамроқ, деҳқончилик қўлами каттароқ масканлардан. Шу боис, йиғим-терим даврида қийинчиликлар юзага келади. Бу сафар вилоят меҳнаткашларига андижонлик пахтакорлар ёрдам қўлини чўзишди. 200 нафар кўнгилли механизатор вилоят далаларида йиғим-теримга кўмаклашмоқда. Улар Мирзачўл, Дўстлик, Арнасой, Зафаробод ва Пахтакор туманларида терим машиналарини бошқармоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

УЛАРНИ МУХТАСИБ АТАШГАН

Фикр

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган даврнинг биринчи кунларидаёқ ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Зеро, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири — бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият деб тан олиниши, унинг устуворлигини таъминлашдадир. Президентимизнинг бирор-бир нутқлари ёки рисолалари йўқки, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни амалга ошириш воситалари, кафолатларини кучайтириш, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширувчи идоравий тузилмалар тузиш ҳақида гапирилмаган бўлса.

Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг бош кафолати ҳисобланган Конституциямизда 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган халқаро ҳужжат «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг бир қатор моддалари мазмуни ўз аксини топган. Хусусан, ушбу декларациянинг 1 ва 2 моддаларида шундай дейилади: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган. Бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарларча руҳда муносабатда бўлишлари керак».

Конституциямизнинг 6, 7, 8, 9, 10 боблари республикамиз фуқароларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган бўлиб, шулар орасидан, 10 бобда (43-46 моддалар) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлари ҳақидаги нормаларни ўзида мустаҳкамлаган. Бу моддаларга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Давлат томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда Республика Президенти бош бўғиндир. Чунки, Конституциямизнинг 93-моддаси 1-бандида: «Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг кафилидир» деган норма мустаҳкамланган.

Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг самарали таъсир воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТ нинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг тузилиши, 1997 йил апрель ойида Олий Мажлис сессиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қуришда дадил қадам бўлди.

Жаҳон ҳуқуқий амалиётида салкам 200 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик турли мамлакатларда ҳар хил: «омбудсман», «продевор», «медиатор» каби номлар билан юритилади. Бу лавозим биринчи маротаба 1809 йилда Швецияда жорий этилган. Лекин ғарбда жорий этилган бу институт шарқда ўзининг илк ғояларига, илдизларига эга эканлиги бизда инсон ҳуқуқларига эътибор тарихимизнинг узоқ сарҳадларидан боқланганидан далолат беради. Чунки, АМИР ТЕМУР давлатида фуқароларнинг давлат амалдорлари устидан ёзган хатларини ўрганиш билан шуғулланувчи шахслар бўлганлар. Уларни «мухтасиб»лар деб атаганлар.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасидаги амалий ишлар ҳақида гапирар эканмиз, Тошкент давлат юридик институтида бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириш ўринли, деб биламан. Бу институтда Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш марказининг ташкил этилиши ҳамда мазкур марказнинг БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссарининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлари эътиборга моликдир. Ушбу институт ректори, профессор Ҳ. Бобоев ва Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш марказининг бошлиғи О. Муҳаммаджоновнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган кутубхонада инсон ҳуқуқлари ва барча юридик соҳалар бўйича инглиз, ўзбек ва рус тиллардаги китоблар олийгоҳ домла ва талабалари хизматидадир.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасида қилинадиган барча амалий ишлар меҳнаткаш халқимиз турмуш фаровонлигини ошириб, ҳуқуқий давлат қуришни жадаллаштиради.

Севара САЙИДЖОНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти ҳуқуқ-тартибот факультетининг 3-курс талабаси.

Олтиариқлик тўқувчи Санобар Жўраева. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

СОХТА ДИПЛОМЛИ «ТАРБИЯЧИ»ЛАР

Ё алҳазар!

Нигора Худойбердиева ўз тенгқурлари қатори 1992 йилда мактабни битирди. Тарбиячи бўлиш илинжида Тошкент педагогика билим юртига ҳужжат топширди. Аммо омади келмади, жамадонини кўтариб ўзи туғилган Пешку туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Навобўйи қишлоғига қайтди. Ўшанда унга қанчалик оғир эканлигини ҳамма ҳам ҳис қилолмасди.

Орадан уч йил ўтгач (бу орада у ҳеч қаерда ишламай, ота-онасига кўмаклашиб юрди, лекин ўқишни ўйламади), унинг таъкидлашича, омади чопди. 1995 йилнинг ёзида Тошкент шаҳрига боради. Жанубий темир йўл бекатида ўтирганида ёнига бир аёл келади. Нигора тезда у билан диллашиб қолади. Аёл уни юпатиб:

— Буёғини менга қўйиб бер. Тушдан сўнг дипломли хонимга айланасан-қоласан. Фақат 2000 сўм даркор, — дея югуриб ортига қайтади.

Нигора қўлидаги яп-янги дипломга термуларкан, чол Ибн Хаттоб ҳам бунчалик қисқа фурсатда қизга раҳм қилмаслигини ҳис қилар, энди у ҳеч иккиланмай ишга киради. Фақат дипломи сохталигидан бирор кимсага гуллаб қўймаса бас. Оиласида ҳамма хурсанд, атрофдагилар эса... Нигора БС №941648-сонли диплом билан 1995 йилда Тошкент педагогика билим юртини «тугат»ганман, иш беринг, дея тумандаги 4-сонли санатория-ўрмон мактаби директорига мурожаат қилди. Директор Эркин Ваҳобов ҳам ҳужжатга шунчаки кўз югуртирди-да, сўнг тарбиячиликка қабул қилди-қўйди. Буни омад деса бўлади! Сохта дипломли «тарбиячи» Н. Худойбердиева бир йил давомида келажагимиз бўлган болалар бошида «парвона» бўлди. Бунинг учун давлатдан маош олиб турди, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича тураверди. Аммо, Нигорани бир нарса қийнарди: виждон азоби! Нега бундай қилди, ахир ёлғоннинг умри қисқа деганларку?

Туманда ҳар хил мишмишлар тарқалди: сохта дипломли тарбиячилар, солиқчилар топилибди, уларни суд қилишармиш! Ана холос, навбат Нигорага етсачи, тамом шарманда бўлади-ку! Шундай бўлди ҳам. Прокуратура ходимлари бутун туманда текширув ўтказганларида Нигора ишлайдиган санатория-ўрмон мактабида ҳам иккита сохта диплом топилди. Шундан биттаси Н. Худойбердиеваники. Иккинчиси эса ҳамкасби Усмон Бадировга тегишли. Қандай шармандалик, тарбиячилар ҳам сохта бўларкан-да!

Нигора-ку энди йигирма икки ёшни қаршилади. У ёшлик қилган бўлса ажабмас. Аммо Усмон Бадиров 37 ёшни аллақачон яшаб қўйган, оилалик, уч нафар фарзанди бор. У Нигорадан 2 йил илгари дипломли бўлган: 1993 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини «тугатган». Бу ҳақда қўлида ЦВ № 608315 рақамли ҳужжат ҳам бор. Шу диплом билан 1993 йил 2 октябрдан то 1997 йил май ойигача мактабда «тарбиячи» бўлиб ишлаб келган. Уни ҳам директор Эркин Ваҳобов қўл учида ишга қабул қилган. Ҳатто илмий бўлим мудири Галия Қодирова, бош тарбиячи Матёқуб Набиев ҳам дипломни У. Бадиров қачон олганлигига эътибор беришмаган.

— Тошкентдаги «Олой» бозорида чой ичиб ўтиргандим, — дейди У. Бадиров, — 25—30 ёшлардаги йигит билан танишиб қолдим. Дардлашдик, ўқишга киролмаганлигимни айтдим. Шунда у 70 минг сўм-купон берсангиз мушкулингиз осон бўлади, деди. Бердим, йигит сумкасидан янги дипломни чиқариб номимга тўлдириб берди. Қишлоққа қайтиб ишлайвердим, ҳеч ким суриштирмади.

— Ҳамма бало — эътиборсизлик, лоқайдлигимизда. Шу боис биргина ўтган икки йилда Пешку туманида ўнга яқин сохта дипломли «мутахассислар» башараси очилди. Ҳаммаси 1993 йилда дипломли бўлишган, ҳаммаси ё темир йўл бошбекати, ё Тошкентнинг турли бозорларидан сотиб олишган, — дейди жиноятчилар ишини кўрган Пешку тумани суди раиси Боймурод Орипов. — Суднинг қора курсисида ўтирганда уларнинг кўзлари очилди.

Ҳа, бугун мактабларимизда ўқиётган болалар эртага Ўзбекистонимиз тақдирига дахлдор бўладилар. Уларга бугун ҳақиқий педагоглар дарс бериши, жонкуяр, билимдон тарбиячилар оқ-қорани танитиши даркор. Гуруч орасидаги курмакларга эса эрк бермаслик шарт. Ҳар бир ишга қабул қилинувчи ходим, мутахассис обдон ўрганилсагина мустақиллик пойдевори боқий бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИТРАТНИНГ

Халқимизнинг мустақиллик ғоялари ва интилишларига ўзининг сермазмун ва кўп қиррали фаолияти билан муносиб ҳисса қўшган Абдурауф Фитрат (1886-1937) турли жанрлардаги адабий асарлари билангина эмас, балки тарих соҳасидаги илмий тадқиқотлари билан ҳам ўчмас из қолдирган. Айрим мамлакатлар халқи ҳаётини изчанлик билан кузатган улкан адиб иқтисодий муаммоларни ҳам эътиборсиз қолдирмаган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бахтиёр Назаровнинг ташаббуси билан 1991 йилда «Шарқ юлдузи» журналининг саккизинчи сонида эълон қилинган Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» бунга далил бўла олади.

Бу асар билан танишиш айрим хорижий иқтисодчилар ўртасида тарқалган асоссиз фикр — октябрь тўнтаришига қадар ўзбек зиёлилари орасида деярлик ҳеч ким иқтисодий масалаларга жиддий қизиқмаган деган мулоҳазанинг нотўғрилигини исботлашга ёрдам бериши билан бирга, Амир Темурнинг «Тузук»ларида бошлаб берилган, Алишер Навоийнинг қатор адабий ва публицистик асарларида баён қилинган иқтисодий фикрларни шарҳлашни кейинги даврларда ҳам турли жанр ва шаклларда давом этганлигини кўрсатиб беради. 1909 йилда ёзилган «Мунозара» асаридаги танқидий қарашлар Бухоро амирлиги цензураси талабларига зид келганидан кейин Фитрат ўз асаридаги илғор ғояларни жамоатчиликка етказиш мақсадида уни публицистика шаклида эълон қилмасдан, балки сайёҳ хотиралари сифатида тақдим қилишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, Бухорода эмас, балки 1912 йилда Истамбулда нашр қилинишига эришади. Аслида Ҳинд сайёҳи ёзувчининг ўзи. Б. Назаров айтганидек «Бу ерда Фитратнинг асар қурилмаси борасидаги маҳоратига, фикрни баён қилиш услубига тан бермасдан илож йўқ». Асарнинг Бухорода цензурадан ўтказиш мумкин бўлмаслигига, босилмаганлигига сабаб, унинг маърифатпарвар жадидлар ҳаракатига ижодий таъсир кўрсатиш мумкинлиги бўлса, иккинчи томонидан Туркия, Эрон, Афғонистондаги маърифий-инқилобий ҳаракатларни Бухорога тарқалмаслигини олдини олиш эди.

Асар мазмуни билан танишиш, иқтисодчи сифатида дастлаб қуйидаги хулосалар, мулоҳазаларга олиб келади:

1) Фитрат асар ёзилган даврдаги жаҳонда эълон қилинган А. Смит, Л. Рикардс каби иқтисодчиларнинг асарлари билан таниш бўлмаса ҳам, ўзининг кузатишлари, иккинчи даражадаги мақсадларга таяниб, Бухоро амирлигидаги феодал иқтисодиётининг асосий йўналишларини тўғри тушуниб, уларга ҳақиқий баҳо берган.

2) Бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ривожланиш йўналишларини ўрганиб, Бухоро амирлиги иқтисодиётини бошқаришда йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бу йўналишда қатор тавсиялар берган.

3) Бухоро иқтисодиётини қайта қуришда илм-фан тараққиёти муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш билан бирга, амирликдаги ўрта асрлардан бери давом этиб келган таълим тизимини янгича усулга кўчириш ҳақида тавсиялар берган.

4) Асарда Фитрат ўзининг илғор маърифатпарварлик ғояларини китобхонга етказиш мақсадида ўз фикрларини диний адабиётлар асосида ҳам қувватлашга ҳаракат қилган.

5) Асарнинг энг муҳим қирраларидан бири Фитрат томонидан тарихда Европа мамлакатлари дастлаб мусулмонлар билан яхши муносабатлар ўрнатиб, жуда кўп моддий-маънавий жиҳатдан манфаатдор бўлганликлари, кўп кашфиётлар, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини белгиловчи иқтисодий усулларни шарқ халқларидан ўрганганлигини кўрсатишга ҳаракат қилганидир.

Бу ўринда китобда келтирилган Фарангистон дорилфунунининг Шарл Санвюс исмли муаллимининг қуйидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. «Ўн биринчи асрда Оврупо ва ислом олами, — деб ёзади Шарл, — бутунлай бир-бирларига қарши эдилар. Оврупо шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайрон кулбалардан иборат эди. Йўлда ўлдиришларидан қўрқиб, ҳеч ким уйдан ўн фарсах узоққа боролмас эди. Ислом олами эса Боғдод, Шом, Миср ва Андуле сингари бутунлай обод ва кўркам шаҳарлар, мармар билан безалган саройлар, мукаммал корхоналар, ҳашаматли мадраса ва мактаблар, музайян ва озода бозорларга эга эди. Далаларининг ҳар қадамидаги сўлим гўшалари, хирмон-хирмон ҳосилни кўрганнинг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо карвонлари бемалол бориб келар эди. Овруполиклар мусулмонлар тараққиётини холис ният билан қабул қилиб, касб ва илм ўрганиш ниятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрар эдилар. Оврупо мусулмонлар билан муносабат ва алоқада бўлиш орқали тараққий этган. Овруполикларнинг ислом оламидан қабул қилган ишлари қуйидагилардир:

Зироат: кўк бўғдой, тут дарахти, гуруч, хурмо, лимон, мандарин, пахта, қаҳва ва найшакар.

Саноат: шохи газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна... ва қоғоз.

Илм-фан: алжабр ва ал-муқобала, ҳандаса, чизмачилик, кимё ва ҳоказо. Ислом аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд ва Чиннинг илму-фан ихтироларини тўплаб ва ўзларидан кўпгина нарсаларни қўшиб, оқибатул-амр, буларнинг

1 2

ТИНЧЛИК ЛОЙИҲАСИ

Европа Иттифоқи мамлакатлари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Тинчлик лойиҳаси»ни ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳани ЕИнинг Яқин Шарқдаги махсус вакили Мигел Маратинос Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафотга топширди.

Айни вақтда лойиҳанинг матни сир тутилаётган бўлса-да, Ёсир Арафот «Европа лойиҳасини Исроил раҳбарияти ҳам маъқуллайди», деган фикрини баён этди ва ЕИ ташаббуси билан Фаластин-Исроил музокаралари боши берк кўчадан чиқажагига умид билдирди.

МУЗОКАРАДАН БОШ ТОРТИШДИ

«Интернет» хабар қилишича Афғонистон пойтахтидан олинаётган маълумотларга қараганда, Қундуз шаҳри атрофида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар натижасида ушбу шаҳардаги «Толибон» ҳаракати вакиллари қамал ичида қолган. Шаҳарни шарқий ва жанубий томондан Аҳмадшоҳ Масъуд, шимолий-ғарбий томондан эса Абдурашид Дўстумнинг қўшинлари ўраб турибди.

Мамлакатдаги ички вазият кундан-кун ўзгариб турган вақтда «Толибон» раҳбарияти Исломобод шаҳрида коалиция вакиллари билан музокаралар ўтказиш таклифини илгари сурди. Бироқ, коалиция раҳбарлари Покистон пойтахтида музокаралар ўтказишдан бош тортди.

АКМОЛА ПОЙТАХТ БЎЛАДИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг фармонига биноан, шу йил 10 декабрдан Акмола шаҳри мамлакатнинг пойтахти этиб эълон қилинади. Шунингдек, Н. Назарбоевнинг ҳозирги пойтахт — Алмати шаҳрига таллуқли яна бир фармони эълон қилинди. Унда Алмати шаҳрининг мақоми ҳамда уни илмий, маданий, тарихий ва иқтисодий марказ сифатида сақлаб қолиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари баён этилган.

МУҲЛАТ 2002 ЙИЛГАЧА

Италия мухожирлар уюшмаси мамлакат пойтахтидаги дўконлардан бирида Европанинг янги пул бирлиги — евро билан савдо-сотиқ қилиш тажрибасини ўтказди. Тажриба натижаларига қараганда, кўпчилик римликлар «нол» рақами кўп бўлган Италия лирасидан кескин фарқланадиган еврога бирдан қайиша олмаган.

Европа Иттифоқининг пул бирлиги ҳисобланган евро 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб муомалага киритилади. Италияликларга эса еврога тўла ўрганиш учун 2002 йилгача муҳлат берилади.

КУН ТАРТИБИДА ТАШКИЛОТ МАСАЛАСИ

«Интернет» хабарига кўра, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан АҚШ давлат котибининг ўринбосари Томас Пикеринг ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда асосан, Покистонда фаолият кўрсатаётган «Ҳаракат-ул- ансор» ташкилотини бартараф этиш масаласи муҳокама этилди.

Маълумки, мазкур ташкилот амалга оширган террорчилик ҳаракатлари маълум маънода Покистон-Ҳиндистон муносабатларининг кескинлашувига сабаб бўлиб келмоқда. Яқинда АҚШ давлат департаменти эълон қилган бутун дунёдаги террорчилик ташкилотлари рўйхатида ҳам «Ҳаракат-ул-ансор» номи ўз аксини топган. Шу боис, Т. Пикеринг Покистон раҳбариятини ушбу ташкилотни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга даъват қилди.

ГЎДАКЛАР МЕҲМОНХОНАСИ

Бугунги кунда кўпчилик ота-оналар айрим режаларидан воз кечишига тўғри келмоқда, чунки болаларини кимга ташлаб кетишга боши қотади. Бироқ Голландиянинг Нимеген шаҳрида ота-оналар учун бундай муаммо йўқ. Негаки, у ерда гўдаклар учун махсус, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда бирон иш чиқиб қолган она ёки ота гўдагини меҳмонхонага вақтинча жойлаштириши ва ўзи мўлжаллаган ишни ёки саёҳатни амалга ошириши мумкин.

Бу ерга 6 ойлик чақалоқдан тортиб 12 ёшли ўсмиргача қабул қилинади. 6 ёшгача бўлганларни уч кун, қолганларини эса бир ҳафта муҳлатгача меҳмонхона маъмурияти олиб қолади. Тўлов бир кунга 20 доллардан.

Меҳмонхонада бир вақтнинг ўзида 17 бола дам олиши мумкин. Унинг молиявий бюджетини Голландия болалар фонди ўз гарданига олган.

Эндиликда бу янгиликни бошқа шаҳарларда ҳам жорий этиш кўзда тутилмоқда.



МАНЗАРА. Муҳаммад АМИН олган сурат.

БАРЧАСИ ИЗСИЗ ҒОЙИБ БЎЛДИ

Роман Пидпара Альберт штатида яшайди. ШУ пайтгача у НУЖлар ҳақидаги гапларга ишонмасди. Бироқ энди...

У бир куни ўз машинасида узоқ сафардан қайтаётганди. Бензин оз қолгани учун, ёнилғи қуйиш шахобчасидан бензин олди-да, вақт кеч бўлганига қарамай йўлида давом этди. Кун бўйи машина ҳайдаб чарчади шекилли, ўрмон четида тўхтади ва оёғининг чигалини ёзмоқ учун у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Шу пайт ёрқин ой нурини нимадир тўсди. Роман дарҳол осмонга қаради. Не кўз билан кўрсинки, чайкага ўхшаш улкан бир нарса катта тезликда товушсиз учиб келмоқда. У Романнинг тепасига келиб тўхтади. Ҳамма ёқ ёришиб кетди. Бу учувчи жисм яхлит металлдан силлиқ қилиб қўйилган, бирор ерида улама йўқ эди.

Роман Пидпара қўрқиб кетди ва ёнидан тўппонча олиб, «тарелка»га қаратиши билан учувчи жисм бир зумда баландликка кўтарилди ва шимолий-ғарб томонга товушсиз, катта тезликда учиб кетди.

Роман сал ўзига келди ва машинасига ўтирди. Бироқ машина юрмади, ҳатто чироқлари ҳам ёнмади. Бояги «келгинди» аккумуляторни «ўтирғизиб» кетибди. Бу ҳам етмагандек яқинда қуйган бензинидан бир томчи ҳам қолмабди. «Оқиб кетган бўлса керак» деган хаёл билан машина остини қаради ҳамки, бирор бир из йўқ. Энди эрталабгача шу ўрмон четида қолишдан бошқа илож қолмади. Уни яна ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, тўппончасидаги ўқлар ҳам ғойиб бўлганди.

Роман Пидпара шунча нарса қандай ғойиб бўлганини эрталабгача ўйлаб ҳам ўйининг тагига етолмади, деб хабар беради Канаданинг «Канадиан трибюн» газетаси.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

БМТ ИСЛОҲҒА МУҲТОЖМИ?

Ҳар йили 24 октябрь халқаро Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) куни сифатида кенг нишонланади. Бу йилги БМТ куни шуниси билан эътиборлики, у Нью-Йоркда ушбу нуфузли халқаро ташкилот Бош ассамблеясининг ҳозирданоқ «Ислоҳотлар сессияси» деб ном олган 52-сессияси давом этаётган даврга тўғри келмоқда.

Маълумки, шу йил 16 июнда Бош котиб Кофи Аннан БМТ аъзоси бўлган давлатларга ушбу ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш таклифи билан мурожаат қилганди. Нью-Йоркда бошланган 52-сессия айнан шу масалани кўриб чиқишга киришди. Бош ассамблеянинг навбатдаги йиғилишига ташкилотга аъзо бўлган 187 та давлатнинг бош вазир ва ташқи ишлар вазирлари ташриф буюришди. Сессиянинг тантанали очилиши маросимида Бош котиб Кофи Аннан ассамблея делегатларига мурожаат қилиб таклиф этилаётган ислоҳотлар режасини барча давлатлар қўллаб-қувватлаши мумкинлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бундан 52 йил илгари ташкил этилган БМТ ҳозирги кунга келиб чуқур ислоҳотларга муҳтож бўлиб турибди. Чунки, бугунги кун бундан ярим аср олдинги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Башарият, халқлар ва давлатлар тараққиёти, умуман бугунги вазият иккинчи жаҳон уруши тугаган даврдагидан жуда ўзгариб кетди. Замон талаби ҳам бошқача. Дейлик, биргина тарихий воқеа: собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач, «икки қутб»га ҳам ўрин қолмади. Шунинг учун янги аср бўсағасида эртанги ҳаётга янгича ёндашиш, жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув жараёнларини изчил йўналишга солиш, умумий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда.

Айни чоғда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқларини кенгайтириш, ҳозирда юзаға келган мустақил давлатлар ривожига кўмаклашиш, минтақавий можаролар ва фуқаролар урушининг олдини олиш, урушга қарши курашни кучайтириш, умуман барқарорликни сақлаш, умумбашарий масалаларни ҳал этишдаги имкониятларни кенгайтириш асосида БМТ таркибини ўзгартириш замон талабига айланмоқда.

«ХХ аср охирида тинчлик деган сўз замирида биз фақат урушлар ва можаролар вазиятининг йўқлигинигина эмас, балки тўхтовсиз иқтисодий ривожланиш, ижтимоий адолат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, демократлаштириш, қуролсизланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш деган тушунчаларни ҳам англаймиз, — деди К. Аннан 52-сессиянинг тантанали очилиш маросимида. — Тинчликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир давлатнинг иштирокини тақозо этади». Шу боис Бош котиб ассамблеяда қатнашаётган барча делегатларни БМТ, унинг асосий орган ва муассасаларини ислоҳ қилишни навбатдаги сессиянинг устивор вазифасига айлантиришга чақирди.

Бош котиб таклиф қилган ислоҳотлар режасига кўра, бу нуфузли халқаро ташкилот маъмурият таркибини кескин қисқартириш, сарфланадиган харажатлар миқдорини ва ёрдамчи органлар сонини камайтириш, БМТ тинчликни сақловчи кучлар амалий фаолиятини ошириш кўзда тутилади. Шунингдек, БМТ Бош котиби ўринбосари лавозимини ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда. Айни чоғда БМТ хавфсизлик кенгаши аъзолари сонини кўпайтириш ва шу йўл билан кенгаш доимий аъзоларининг у ёки бу масалани қўллаш ёхуд қарши овоз бериш (вето) ҳуқуқини бир қадар чеклаш таклиф этиляпти.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосини Хавфсизлик Кенгаши белгилайди. Хавфсизлик Кенгашига 5 та давлат доимий аъзо ҳисобланади. Булар — АҚШ, Франция, Буюк Британия, Хитой, Россия. Ҳозирги пайтда 187 та давлат БМТга аъзо бўлса-ю, уларнинг ҳаётмамотини бешта давлат ҳал қилса, бу адолатданми? Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Кўпчилик давлатлар Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари таркибига Германия ва Японияни киритишга розилик билдирмоқда. Эсингизда бўлса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан икки йил аввал 24 октябрда БМТ 50 йиллиги юбилейи муносабати билан Бош ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида нутқ сўзлаб, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритишни таклиф этганди. Кўриб турибмизки, бу амалий таклифга «ислоҳотлар сессияси»да жавоб топилмоқда.

Айрим давлатлар, жумладан Россия БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари сонини кенгайтириш лозимлигини тан олган ҳолда ўз манфаатларидан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза билдирмоқда. Россия дипломатларининг фикрича, Германия ва Япония ХК доимий аъзоси (фақат вето ҳуқуқсиз) бўлар экан, Хавфсизлик Кенгашига вакилликнинг жўғрофий жиҳатларини ҳам эътиборга олиш, яъни унинг таркибига Африка ва Лотин Америкаси ва балким Осиё давлатлари бошқа вакилларини ҳам киритиш лозим. Шу билан бирга Москва Хавфсизлик Кенгаши таркиби кенгайиши муносабати билан БМТ Низомига киритиладиган ўзгаришлар амалдаги беш доимий аъзо ва шу жумладан, Россия манфаатларига ҳам зид келмаслигини хоҳлайди. Айни чоғда шу мақсадни кўзлаб Россия вето (у ёки бу масалада қўллаш ёхуд қарши туриш) ҳуқуқини бекор қилишни маъқулламайди. Зеро, 52-сессияда бир қатор давлатлар вето ҳуқуқини бекор қилишни ёқлаб чиқмоқдалар. Хуллас, қанча давлат бўлса, шунча фикр-мулоҳаза ҳам бўляпти. Бироқ сессияда БМТ бюджети, у томондан тинчликни сақлаш кучларига сарфланаётган харажатлар масаласи катта мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аъзо давлатларнинг ташкилот бюджетига мунтазам равишда тегишли бадалларни тўламаётганлиги боис ташкилот молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда.

Биз юқорида БМТга қанча давлат аъзо бўлса, шунча фикр-мулоҳаза ҳам мавжуд деган фикрни айтдик. Лекин жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари кўп масалаларда, жумладан хавфсизлик ва барқарорлик ривожланиш муаммоларини ҳал қилишда якдиллик бўлишини ёқлайдилар. Зеро, инсоният янги — XXI асрга тинчлик ва тараққиёт йўлидан кириб боришни хоҳлайди.

Шу ўринда БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мустақил Ўзбекистоннинг хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига ўзига хос ёндашувини таъкидлаш жоиздир. Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 50-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири минтақавий барқарорликка эришишдир, деган ғояни илгари сурганди. Ўзбекистон ўзи таклиф этган мазкур тинчлик тамойилларига амал қилган ҳолда Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни сақлаш ишига алоҳида эътибор бермоқда.

Узоққа бормайлик: шу йил сентябрь ойининг ўзида мамлакатимиз пойтахтида минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган иккита йирик халқаро семинар-конференция ўтказилгани бунга ёрқин мисолдир. «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги Тошкент конференциясида БМТ ва бошқа 15 та халқаро ташкилот ҳамда 56 та давлатдан вакиллар иштирок этди. Иккинчи бир тадбир — Тошкентда ўтказилган ЕХҲТ парламент ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси ва «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар бўйича» семинар-кенгаш ҳам дунёвий тинчлик сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлиб қолди.

Кейинги пайтда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган бўлимлари (ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилотлари) билан ҳамкорлиги сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистонни ўз сафига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилган, БМТ мамлакатимиз раҳбариятининг минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлашга оид барча ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон ҳам ўз навбатида бундай обрўли халқаро ташкилот ишида иштирок этишни минтақада хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти, деб билмоқда. Айни чоғда мамлакатимизнинг БМТ билан ўзаро муносабати халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш истагидан кўра, кўпроқ БМТ саъй-ҳаракатлари муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолияти янгича мазмун билан бойишига кўмаклашишига интилишга асосланади. БМТни ислоҳ қилиш масаласига келсак, ишончимиз комилки, Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган бу ташкилотнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштиришни бундан буён ҳам фаол ёқлаб чиқаверади.

Аслиддин БОЛИЕВ

барини овруполикларга топширдилар» («Шарқ юлдузи» 1991, №8, 18-бет). Келтирилган парча билан китобхонни таништирар экан Фитрат шундай хулосага келади, «Бу бир буюк Фаранг муаллимининг ислом олами тараққиёти ҳақида билдирган иқроридир. Энди диққат билан назар солсак, дарҳақиқат, овруполиклар ўзларининг юксалиш асосларини ислом аҳлидан олганликларини кўрамиз» (18-бет).

ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ҳинд сайёҳи Бухоро вилояти бўйлаб саёҳат қилар экан, Бухоро халқининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини аниқлашга, илгариги иқтисодий тараққиётдан сақланиб қолганларига алоҳида эътибор беради.

«Қарши, — деб кўрсатилади китобда, — Бухоронинг катта шаҳарларидан биридир. Бир вақтлар шаҳарнинг тижорати Бухородагичалик экан. Бироқ темир йўл бўлмаганлиги сабабли, савдо анча орқада қолибди, илм ва маориф ҳам анқонинг уруғи. Кўпчилик ҳатто хат-саводдан ҳам маҳрум. Саноати-ю, ҳунармандчилиги пойтахт саноатидан яхшироқ. Халқи обдаста ясаш ва гилам тўқишда ўта моҳир. Айниқса, олача тўқишда тенги йўқдир. Бироқ афсуски, ушбу нарсаларнинг барчасини эски усулда тайёрлайдилар. Яъни корхоналарнинг барчасида қўл меҳнати устун. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва уни яратиш ҳаёлларига ҳам келмайди» (Ўша ерда. 26-бет).

Бу ўринда Фитрат Қаршида тўқилган олача Одесса божхонасида ҳажга бораётган мусулмонлар юклари орасида кузатилиб, бу тўқима Қаршида эмас, Францияда тўқилган деб нотўғри бож олганлигини айтиб, Қарши олачаси сифат жиҳатидан машинада тўқилган олачалардан устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Айни вақтда Қарши вилоятида ва Бухорода етиштирилган айрим маҳсулотлар вақт ўтиши билан аста-секин кўздан ғойиб бўлаётгани ҳам кўрсатиб ўтилади.

«Бундан юз йил олдин Бухоро аҳлининг тўни ва кўйлаги нимадан тайёрланганлигини биласизми?» деб сўрайди устадан сайёҳ:

Уста: қалам ва карбосдан.

Мен: Саллаларчи?

Уста: Ғиждувон докасидан:

Мен: Ана шу карбос, қалам, сафол товоқ ва ғиждувоний докаларни ким тайёрлаб берар эди?

Уста: бухороликларнинг ўзлари.

Мен: буларнинг ишлари қўл билан бажарилармиди ёки машинадами?

Уста: қўлда.

Уйғоқ нигоҳ

Мен: кўрдингизми, ўша вақтлар туркистонликлар ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма молларни ўзлари тайёрлардилар, яъни пулни чўнтакларидан чиқариб, қайтиб яна чўнтакларига солар эдилар. Бирон бир чақани бегона фабрикантларга бермаганлар. Бироқ, Оврупо фабрикалари бирин-кетин нозик суф, ҳарир докалар, чиройли, гулли чинни товоқлар ишлаб чиқариб, Туркистон ерларини тўлдирдилар. Оқибатда маҳаллий корхоналар ёпилиб, уларнинг эгалари ҳаммоллик билан шуғулландилар» (27-бет).

Бу ўринда Фитрат Бухоро иқтисодиётини кўтариш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, бунинг учун фабрика ва заводлар қуриш ғоясини илгари суради.

Ҳинд сайёҳи қиссасида қишлоқ хўжалиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Сайёҳнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини рағбатсизлигининг сабаби уч нарсадандир: 1 — Ер солиғи ва уни ундиришнинг зўрлик тизими. 2 — Деҳқончиликнинг ўрта асрлардан бери давом этиб келаётган эски омоч, от-арава, қўш қўшиб амалга оширилиши. 3 — Қозиларнинг деҳқонлар билан судхўрлардан баттар муносабатда бўлишлари.

Китобда солиқ ва қарз бериш тизимини ўзгартириш лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Фитрат ҳинд сайёҳи тилидан Бухоронинг салбий томонларини кўрсатиш билан чегараланмасдан, балки бу ўлкада ҳали ишга солинмаган табиий бойликлар мавжудлиги, уларни ишга солиб мамлакат фаровонлигини ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Унинг фикрича тижорат йўлларидан бири «иҳрож санъати» яъни, ер ости бойликларини қазиб олиш ва «амал санъати» янги ускуналар, (фабрика, заводларни)ни ишга солиш керак бўлган.

Улкан олим ва адиб Фитрат бутун Ўзбекистонни келажакда гуллаб яшнаши, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишини орзу қилган ва бу асосда халқимиз фаровонлигини юксалишини истар эди. Республикамизда мустақиллик йилларида мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада юксалишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Бухорода, айниқса, ер ости бойликларини ишга солишга қаратилган тадбирлар кўзга ташланади, қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтачилик ва бошқа тармоқларни янада ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга бухороликларни республикамиз илм-фанига қўшаётган ҳиссалари тобора ортмоқда. Бу улкан муваффақиятларни қўлга киритишда Бухорода ўтган мутафаккирлар ва олимлар, шу ҳисобда Фитратнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳикмат СОБИРОВ,
Кредит молия академиясининг ҳақиқий аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ХАРАКТЕР ЮРАККА БОҒЛИҚМИ?

Ҳа, юракка боғлиқ экан, дейишмоқда, Янги зеландиялик шифокорлар. Негаки, Дэвид Хор воқеаси шундай дейишга «мажбур» этмоқда.

Гап шундаки, Янги Зеландиянинг Веллингтон шаҳрида яшовчи 20 ёшли Дэвид Хор ёшлигида юрак касалига мубтало бўлган эди. Шунинг учун жуда ниммажон, ҳаракати суст ва беозор эди.

Кардиологлар операция йўли билан Дэвидга бошқа юрак ўтқазмаса бўлмаслигини айтишди ва шундай қилишди ҳам.

Отишмада қазо қилган жиноятчи Дик Симпсоннинг юрагини узоқ давом эттан операция йўли билан Дэвидга ўтқазишди. Уч ойлик муолажан сўнг бемор соғайиб касалхонадан чиқди. Бироқ ота-онаси, қариндошуруғлар ҳайрон қолишди. Сабаб Дэвиднинг тим қора кўзлари энди ўзгариб кўк-сарғимтир бўлиб қолганди. Бу ҳам майли, унинг характерини айтмайсизми? Умуман ўзгарган, яъни шиддаткор ва тажовузкор Дэвид пайдо бўлган эди. Ҳатто бир сафар черковдан пул ҳам ўғирлади. Бироқ жамоатчилик унинг касалмандлигини ҳисобга олиб жазолашмади.

Операциядан сўнг қандайдир бир куч уни жиноятга етаклаётганини, арзимаган нарсадан жанжал чиқаргиси келаётганини, бунга ўзи ҳам ҳайрон эканлигини Дэвид тан олди. «Бу ишни қилиш мумкин эмаслигини ақлан сезаман, бироқ қандайдир куч жиноят бўлса-да ўша ишни қилишга ундайди» дейди Дэвиднинг ўзи. Шунинг учун шифокорлардан ҳам яна операция қилишларини, бошқа юрак ўтқазишларини талаб этмоқда, деб ёзишибди Англиянинг «Сан» газетасида.

Очиқ турдаги «Ўзбекфильм» акционерлик жамияти жамоаси Ўзбекистон халқ артисти
Жавлон ҲАМРОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Р. Беруний номли Тошкент Давлат техника университетининг ректорати, нефть ва газ факультети ходимлари шу факультет профессори З. С. Иброҳимовга умр йўлдоши
Мансубахон ая ИБРОҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎМИР САНОАТИ

Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир заҳираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва уни етказиб бериш ишлари билан "Кўмир" акционерлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилаётир: очиқ усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усулида (Ноу Хау.) Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар — сифатли ёқилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилини олиш учун хом ашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, кальций карбиди, сорбент, қора ва рангли металлургиядаги углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади.

Яхши хом ашё, кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортларнинг борлиги ишлаб чиқариш саноат комплексини бунёд этишда қўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш ғиштлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлари, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Ҳудудимизнинг геологик хусусиятлари қўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнувчи сланец, оҳак, гипс, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликни қизиқтирса керак. Керамзит, адсорбент, ўғит ва ғишт ишлаб чиқариш учун юқори сифатли лойлар тайёрланиши мумкин.

Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, қурилиш, металлургия саноати ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб, лойтупроқ ишлаб чиқариш заводини бунёд этиш мумкин.

Ана шундай қулай омиллар ва барқарор вазият хорижий шериклар билан ишончли ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

ҚАЗИБ ОЛИНАЁТГАН КЎМИРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Савдо маркаси

	Б-2 Ангрен	1СССШ Шарғун	ТР Бойсун	1СС-брикет Шарғун
Кул қолиши (фоиз)	16-25	13-20	7-17	14-21
Намлиги (фоиз)	30 -38	4-7	3-6	2-5
Олтингугурт (фоиз)	7-1,0	0,3-0,7	0,2-0,6	0,3-0,7
Ёниш иссиқлиги (ккал/кг)	6700	8100	8200	8300

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ СОТИШ БЎЙИЧА "КЎМИР" АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

700011, Тошкент-11, Марказ-14 мавзеси, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 41-85-55, 44-55-79, 44-57-05, 32-99-19.
Факслар: (3712) 44-20-80, 41-85-56.
Телекс: 116163, Лава, телетайп 116376 шахта.

Хисоб рақами 20210000900126956001.
Саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлими МФО 00424.

АНГРЕН КАОЛИН КОНЛАРИ

Заҳира — миллион тонна

Иккиламчи — 1038
Дастлабки — 79

Маълумотнома (фоиз)

	Дастлабки	Иккиламчи
Al_2O_3	22	31
SiO_2	63	54
Fe_2O_3	3,25	1,49
TiO_2	0,46	0,63
CaO	0,38	0,25
MgO	0,18	0,78
K_2O	0,56	2,17
Na_2O	0,56	0,12
H_2O	0,28	2,34

Бойитилган каолин оқланмаси 82-85 фоиз

КАОЛИН СИФАТИ БАҲОСИ

Ўзбекистон ва Россия ихтисослаштирилган ташкилотлари, шунингдек:

MABETEX (Швейцария)
PAB BAUTZEN (Германия)
TEBOIN SCHMIOLT (Германия)
MIISUIS CoLTD (Япония)
INTERTASH (Ўзбекистон-Америка)
фирмалари томонидан баҳоланган.

ИШЛАТИШ СОҲАЛАРИ

— ғишт
— сопол плиткалари
— санитария фаянси
— ўтга чидамли ғиштлар
— олтингугурт алюминийси
— лойтупроқ
— электр чинни
— қоғоз
— чинни
— шиша
— косметика.

ЙИЛЛИК ҚАЗИБ ОЛИШ МИҚДОРИ

5-7 миллион тонна иккиламчи каолин

ТАЛАБ ЭТИЛИШИ

Чинни ишлаб чиқаришда ва ғишт саноатида 500 минг тонна талаб этилади.

СОТИШ БОЗОРИ

— Ўзбекистон
— Туркманистон
— Қирғизистон
— Қозоғистон
— Россия
— Эрон
— Туркия
— Покистон
— Ҳиндистон

Сотиш ҳажми 1,5-2 миллион тонна.

ҚУРИЛИШ

Бойитилган каолин ишлаб чиқариш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати йилига 200-400 минг тонна.

Лойтупроқ ишлаб чиқариш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати йилига 100 минг тонна.

ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН САРМОЯЛАР

50 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 4 йил

150 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 7 йил.

ИНФРАСТРУКТУРА

Тошкент шаҳридан 100 километр масофадаги аэропорт. Эркин ерларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва техника ресурсларининг миқдори. Автомобиль йўллари, электр таъминоти, сув таъминоти, темир йўллар қурилиш майдонига яқинлаштирилган.

Ангрендаги иккиламчи каолинлар кўмир конларидан юқорида жойлашган бўлиб, улар кўмир қазиб олиш пайтида олинади. Ангрен каолинларидан комплекс фойдаланиш дастури хорижий сармояларни жалб этиш билан бирга қўшма корхоналар ташкил этишни кўзда тутади. Бу дастур бойитилган каолин фабрикаси, лойтупроқ заводи, ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш, сопол плиткалар ва санитария фаянс буюмлари ишлаб чиқариш заводларини ўз ичига олади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Э. ЭСИРГАДИЕВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 619 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА